

9-10-2019

HUMAN DEVELOPMENT AND HUMAN INTERESTS

Дилноза Алимбаевна Саданова
Урганч Давлат университети

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Саданова, Дилноза Алимбаевна (2019) "HUMAN DEVELOPMENT AND HUMAN INTERESTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 29.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

HUMAN DEVELOPMENT AND HUMAN INTERESTS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ХУСУСИДА
HUMAN DEVELOPMENT AND HUMAN INTERESTS
ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И ИНТЕРЕСЫ ЧЕЛОВЕКА**

Саданова Дилноза Алимбаевна, Урганч Давлат университети

“Ўзбекистонда демократик жамиятқуриш назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жамият тараққиёти билан инсон манфаатлари ўртасидаги боғлиқлар, шахс ва жамият муносабатларида горизантал ва вертикал алоқаларнинг ўрни, инсон манфаатларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди.

Таянч сўзлар: инсон, манфаат, жамият, тараққиёт, ижтимоий, иқтисодий, қизиқиш, эҳтиёж, истак, фойда, даромад, ҳуқуқ.

Abstract: This article discusses the role of horizontal and vertical relationships in the interpersonal and social interrelationship between human interests and social development and discloses the features of personal interests.

Key words: human, interest, society, development, social and economic interests, need, profit, income, law.

Ключевые слова: Человек, интерес, общества, развития, социальный, экономический, заинтересовать, потребность, выгода, прибыль, доход, право.

Аннотация: В данной статье освещены своеобразные особенности интересов человека, место горизонтальные и вертикальные связи в отношении общества и личности, взаимосвязь среди интересов человека и развития общества.

Жамият тараққиётини ижтимоий соҳалардаги динамик ўзгаришларга мувофиқ баҳолаш анъанага айланган. Айниқса ижтимоий - иқтисодий соҳадаги ўсишларга мурожаат этишади, лекин инсон манфаатларининг таъсири кўп ҳам эътиборга олинавермайди. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўсишларни статистик ифодалаш, мезонларга солиш, ҳеч қандай метафизик изоҳларсиз баён қилиш мумкин; ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларни математик, социометрик, алгоритмик, хронологик, динамик таҳлил қилиб, маълум бир тизимга, схемага солса бўлади, инсон манфаатлари масаласида бундай усуллар кашф этилмаган. Шу боис жамият тараққиёти ва инсон манфаатлари гоҳо эклектик ҳодисалар бўлиб туюлади, аслида тадқиқотчиларнинг умумий мушоҳадалар билан чекланишига табиий ҳол сифатида қараш керак. Шундай бўлса-да, инсон манфаатларини вертикал (шахс-гуруҳ-оила-корпорация-жамоа-давлат-жамият) ва горизантал (қон-қариндошлар-ҳамкасблар-тенгдошлар-ҳамкасблар-жинслар-миллатдошлар-юртдошлар) алоқалар тизимида қараш, таҳлил қилиш мумкин. Бунда, инсон, шахс манфаатлари ушбу алоқаларнинг негиздатуради; ҳар қандай вертикал ва горизантал алоқалар инсон, шахс манфаатларига таянади, улардан келиб чиқади ва ўсади.

Илмий адабиётларда “манфаат” тушунчасини эҳтиёж, қизиқиш билан айнанлаштирилади, ваҳоланки, манфаат Алишер Навоийнинг асарлари изоҳли

луғатида келтиришилича, фойда, даромад маъноларини англатади.[1;227 бет].Фойда, даромад эса ижтимоий-иқтисодий соҳага оид воқеилиқдир. Аммо айтиш мумкинки, манфаат соф иқтисодий воқеилиқ эмас, у фойда, даромаддан кенгдир. Уни ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг шакли сифатида қараш ўринлидир. У бир томонидан, иқтисодиётқонунларига, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқ талабларга мувофиқ амал қилади, уларнинг косубстанционал таъсирида шаклланади. Унинг мезони фақат иқтисодий ўсишлар ёки кўрсаткичлар эмас, унда инсон ва жамиятнинг ўз ҳаётидан ижтимоий борлиқдан, сиёсий тизим ва бошқаришдан, моддий таъминланганлик даражаларидан қониқишлари (қониқмаслик) ҳам ўз ифодасини топади. Манфаатларни социометрик ёки социологик (савол-жавоб, интервью,оммавий сўровнома) усулда кузатиш мумкин. Масалан, горизантал алоқаларга таалуқли қон-қариндошлар муносабатини олайлик.Бир қарашда бу муносабатларнинг манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, аслида бундай алоқалар қурилмаган бизнес, тадбиркорлик йўқ. Бу ўринда оилавий тадбиркорликни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида оилавий корхона эр–хотин, болалар, набиралар ва лаёқатли бўлган бошқа қариндошларнинг иштирокида ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган[2]. Демак, манфаатларнинг шаклланиши ва қондирилишида қон-қариндошлиқ муносабатлари етакчи ўрин эгаллаши мумкин. Аслида инсон фаолиятининг барча кўринишларидан манфаат изланишларини топса бўлади. Манфаат фойда кўриш, бизнес ва тадбиркорликнинг асосий функциялардан биридир[3;189 -190 б]. Ҳа манфаат, қизиқиш, эҳтиёж кишини фаолликка, ён-атрофдагилар, жамият билан турли муносабатларга киришиб яшашга ундайди.

Кўриниб турибдики, манфаат нафақат ижтимоий-иқтисодий воқеилиқ, шунингдек, қизиқиш, эҳтиёж каби психологик хусусиятга эга ҳодиса ҳисобланади. Тўғри, инсон фаолиятининг барчаси психологик омилларга бориб тақалади, субъектив кечинмаларсиз хатти-ҳаракат йўқ. Бироқ манфаатда психологик хусусиятлар ёрқин акс этади, мотивацияларнинг манфаат сифатида келиши, намоён бўлиши руҳшуносларга яхши маълум.[4;5] Ички руҳий ҳолат, рефлексия манфаатларнинг хусусиятларни, келиб чиқиши асосларини, ҳатто нималарга етаклашини билишга ёрдам беради.

Инсон манфаатлари негизида шахсий истак, у ёки бу нарсага эга бўлиши, қўлга киритиши, нияти ётади. Демак, манфаатлар истак, ният каби навбатдаги психологик омиллар билан боғлиқ. Инсон ва ниятдан инсон хатти-ҳаракатлари, шу жумладан, манфаатли интилишлари ҳам туртки олади. Ислום фалсафасида “истак ва ният” тушунчалари кенг ёритилган, айниқса тасаввуф фалсафаси инсон истак ва ниятларининг мусаффолигига жиддий эътибор қаратади [6; 92 – 93б]. Истак ва ният соф пок бўлса, манфаат ҳам уларга мувофиқ бўлади. Жамият тараққиёти инсон манфаатларининг софлигига бевосита боғлиқдир, ёмон, эгоистик манфаат жамият тараққиётини назарда тутмайди, у моҳиятан ижтимоий манфаатларга зиддир. Илмий фалсафа мудом у ёки бу икки шахсий (инсон) манфаати билан ижтимоий (жамият) манфаатларни уйғунлаштириш муаммоларни ўрганиб келади.

Афлотун “бутун” деганда жамиятни, давлатни назарда тутган, “қисм”ни ушбу “бутун”га уйғунлаштириш муаммолари ҳақида бошқатирган [7;207-210 б]. Арасту ҳам инсоннинг “ижтимоий мавжудот”лигини асослашга интилган. Шарқ фалсафаси, айниқса Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар шахри концепцияси инсон ва жамият уйғунлигини таъминлаш ғоясига қурилган.

Фозил одамлар шахрининг умумий хусусиятлари сифатида Фаробий аслий сабабларни, ҳодисалар, яъни яхлитлик, мурувват, адолат, оқиллик, нуқсон, эътиқод, ирода нима эканлигини билишни, бахт-саодатга эришиш, донишмандона яшаш,ғалқлар, кишилар, хулқ–атворидан хабардор бўлиши, раҳбар(давлат) билан уйғун ишлаш, жаҳолатдан йироқ юриш кабиларни тилга олади.[8; 167-169 б]. Бундай фазилатларсиз жамиятдаги бирликни, иттифоқни таъминлаб бўлмайди.

Бугунги илмий-фалсафий таълимотлар инсон ва жамият ўртасидаги диалектик ҳуқуқ феномени орқали таъминлашга катта эътибор беради. Қонунларнинг умумий мажбурий хусусиятлари инсон хатти–ҳаракатларига, манфаатларига рационаллик, умумий йўналтирилганлик, ижтимоийлик бахш этади. Ҳуқуқий восита ва усулларнинг ижтимоий-регулятив функциясининг ижобий таъсири туфайли Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва унга мувофиқ келадиган бошқариш, хизматлар кўрсатиш институтлари шакллантирилган. Инсон ва жамият манфаатлари ушбу ижтимоий тараққиёт мақсадига ҳамоҳанг бўлиши шарт. Инсон нафақат хатти–ҳаракатларида, шунингдек манфаатларини шакллантиришда ҳам умумижтимоий талаблардан келиб чиқиши лозим. Бу ўринда ҳуқуқ феномени билан бирга ахлоқ, маънавият, тарбия, анъаналар таъсир этиши, инсонда “ижтимоий сифатларни” (Фаробий) шакллантиришга ўз хиссасини кўшиши даркор. Демак, манфаатнингшаклланиши ижтимоий–тарбиявий омиллар маҳсули сифатида намоён бўлди.

Инсон манфаатлари жамият тараққиётини таъминловчи куч сифатида ижтимоий муносабатлар характерини белгилаб келади. Бу муносабатларнинг либерал – демократик, капиталистик ёки социалистик кўриниш касб этиши ана шу инсон манфаатларининг таъсири туфайлидир. Биз бу таъсирни бевосита англаб ололмаслигимиз, бирор кўрсаткичда, мезонда ифода этолмаслигимиз мумкиндир, бироқ хусусий мулк устувор жамиятда тадбиркорлик, бизнес, бозор иқтисодиёти уларнинг шакллари, кўринишлари эканини инкор қилаолмаймаймиз. Тадбиркорлик, бизнес ва бозор иқтисодиёти инсон манфаатларини эркин меҳнат, даромад топиш истаги тарзида ифода этадиган воқеиликлар қаторига киради. Жамият тараққиётини эса бугун уларсиз тасаввур этиш қийин.

References:

- 1.Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati. II-jild. – Toshkent; Fan. 1983.
- 1.О'zbekiston Respublikasining qonuni. "Oilaviy tadbirkorlik to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. 2012 y. 17-son.
- 1.Raxmonqulov X.R.,Okyulov O.,Tansikbaeva G.M.,Figlin G. M., V.A. Ujen., Zakonadetelnie osnovi rinka. .T.3. –Toshkent: IPK “SHarq” 1996.
- 1.Leonte A.N. Problemi razvitiya psixiki. 4-e izd.–Moskva: Moskva. univ-t, 1981,
- 1.Izard K. Emotsii cheloveka . – Moskva: Izd. Moskva univ –ta,1980.

1. SHayx Najmiddin Kubro. Tasavvuriy hayot.-Toshkent: Movarounnahr. 2004.
1. Ploton. Sochineniya v trex tomax. Tom № 3. CHast 1.–Moskva: Mysl. 1971.
1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri .–Toshkent:A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 1993.